

АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРНИНГ МУҲИМЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Хатамов Кобил Хайриевич¹

¹ PhD., v.b. профессор, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси, International School of Finance Technology and Science институти, Тошкент, Ўзбекистон.

Email: kobilxatamov1972@gmail.com

ORCID: 0000-0003-4348-751X

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 29.05.2025

Revised: 28.05.2025

Accepted: 29.05.2025

КАЛИТ СЎЗЛАР:

*аудитда далиллар,
аудитда муҳимлик
даражаси, аудитда
тестлаши, молиявий
ҳисобдан
фойдаланувчилар,
миқдорий хато, муҳим
деб тан олинган хато,
муҳим эмас деб олинган
хато, инвестицион мулк
аудити..*

Мақолада аудиторлар тамонидан молиявий ҳисоботларни текширишда айрим хатоларни ўтказиб юборишлари мумкин. Шунинг учун хатонинг ҳам сифат томони, ҳам миқдорий жиҳатлари ўрганилиши даркор ва аниқланган хатони муҳим ёки муҳим эмас, деб эътироф этиши зарур. Текшириши жараёнида аудитор олинган маълумотнинг муҳимлик даражасини аниқлаши, миқдорий хато ҳисобварақлардаги муомалаларнинг характерига қараб ҳам муҳим хато сифатида, ҳам муҳим бўлмаган хато сифатида кўриб чиқилиши масалалари баён қилинган.

КИРИШ. Аудитни такомиллаштириш учун унинг мазмун ва моҳиятини чукур англаб олиш лозим. Аудитор нисбатан катта бўлмаган миқдорларнинг бузуб кўрсатилиш эҳтимолига алоҳида эътибор қаратиши тавсия этилади. Бундай бузуб кўрсатишлар йиғилиб, молиявий ҳисоботга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Муҳимликни нафақат молиявий ҳисобот даражасида, балки алоҳида хўжалик муомалалари ва очиб берилган ахборотлар даражасида ҳам ўрганиш зарур. Бу соҳада кўргина олимлар изланишлар олиб боришган. Мамлакатимиз олимларидан Р.Д. Дустмуратов, А.К. Ибрагимов, З.Т. Маматов, Б.А. Хасанов, Н.Ф. Каримовлар ҳамда

хорижлик олимлардан В.Д. Андреев, А. Арэнс, Д.Ж. Лоббек, А.Д. Шереметларнинг илмий тадқиқот ишлари, мақола, ўқув-услубий ишланмаларида аудитни такомиллаштириш, аудитнинг ҳар хил босқичларида мұхимлик ва аудиторлик риски кўрсаткичларини ўзгаришиш вазиятлари ҳам кўриб чиқилган ва ўз қараашларини баён этишган.

Мұхимлик ишончни таъминлайдиган келишувларни бажаришда зарур тушунчадир. Бузиб кўрсатишлар, шу жумладан тушириб қолдиришлар, агар улар индивидуал ёки жамоавий равища, келишув предмети ҳақидаги маълумотлар асосида эҳтимолий фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган тегишли қарорларга таъсир қилиши мүмкін бўлса, мұхим деб ҳисобланади. Мұхимликни аниқлаш амалиётчи мутахассиснинг профессионал мулоҳазаси предмети ва у амалиётчи мутахассис эҳтимолий фойдаланувчиларнинг маълумотга бўлган талабларини қандай тушунишига боғлиқ.

Буюртмачи ва эҳтимолий фойдаланувчилар учун (агар ушбу томонлар фарқ қиласа), ишончни таъминлайдиган ҳар қандай келишув рискка хос эканлигини тушуниш мұхимдир. Келишувга хос ажратиб бўлмаслик риски-бу келишув предмети бўйича маълумотларда бузиб кўрсатишларни ўз ичига олган ҳолларда амалиётчи мутахассиснинг нотўғри хulosса тақдим этиш хавфи. Келишувга хос ажратиб бўлмаслик рискни нолгача камайтириш жуда кам ҳолларда мүмкін ёки катта харажатларни талаб қилиши мүмкін, шунинг учун куйидаги омиллар таъсири туфайли этарли ишонч мутлақ ишончдан кам бўлади:

* тасодифий танлаш тестидан фойдаланиш;

* ички назорат тизимиға хос бўлган чекловлар;

*амалиётчи мутахассис учун мавжуд бўлган далилларнинг аксарияти рад этиб бўлмайдиган эмас, балки ишонарли;

* далилларни тўплаш ва баҳолашда профессионал мулоҳазадан фойдаланиш ва бундай далилларга асосланган хulosаларни шакллантириши.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОД

Диапозонли қийматлар услубидан фойдаланиш қабул қилинадиган қарорларнинг мослашувчанроқ бўлишини таъминлайди. Агар хато мұхимлик чегарасининг қуи ва юқори қисмида жойлашган бўлса, масалан, баланс валютаси(жами)нинг 1-2%ни ташкил этса, у ҳолда аудитор асосли қарор қабул қилишини таъминлаш мақсадида бажариладиган аудиторлик амалларининг миқдорини кўпайтириши лозим. Лекин олинган натижаларни қай тарзда баён қилиш масаласи мавҳум бўлади. Шу боис, фикримизча, аудиторлик фаолиятида диапозонли услугни қўллаш унчалик мақсадга мувофиқ эмас.

Индуктив услугга мувофиқ дастлаб текширилаётган бухгалтерия балансининг аҳамиятли деб ҳисобланган моддалари бўйича мұхимлик даражалари аниқланиб,

сўнгра олинган мухимлик кўрсаткичларини умумлаштириш йўли билан молиявий ҳисботнинг умумий мухимлик даражаси аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш билан боғлиқ индуктив ёндашувда энг аҳамиятли деб ҳисбланган моддалар бўйича аниқланган мухимлик кўрсаткичларини умумлаштиришдан олдин, ушбу моддалар бўйича олдиндан баҳоланган аниқланмаслик рискига мутаносиб равишда тузатилади. Масалан, ушбу моддаларга кирадиган счетларнинг қолдиқлари, ушбу счетларнинг оборотлари ва бир турдаги хўжалик муомалалари гурухлари.

Дедуктив усулдан фойдаланиш молиявий ҳисбот бўйича умумий мухимлик даражасини аниқлашни назарда тутади. Сўнгра бу кўрсаткич молиявий ҳисботнинг аҳамиятли деб ҳисбланган моддалари ва бухгалтерия ҳисбонинг салмоқли счетлари ўргасида тақсимланади. Ўзбекистонда ва ривожланган хорижий давлатларнинг аудиторлик фаолиятида дедуктив услугуб бўйича мухимлик даражасини аниқлаш усуларининг тавсифини 1-жадвалда тақдим этамиз.

Дедуктив услугуб бўйича мухимлик даражасини ҳисоблаш усуллари

Усуллар	Асосий кўрсаткичлар рўйхати	Мухимли к мезони	Мухимлик даражаси қийматини танлаш
«Мухимлик ва аудиторлик риски» АҲСга мувофиқ	Сотишдан соф тушум. Соф фойда. Баланс валютаси. Хусусий капитал. Сотиш таннархи	Нуқтали	Ўртacha арифметик.
10 та асосий кўрсаткич бўйича мухимлик даражаси-сини ҳисоблаш	Узоқ муддатли ктивлар. Хусусий капитал. Жорий активлар. Дебиторлик қарзлари. Кредиторлик қарзлар. Кредитлар ва қарзлар. Сотишдан соф тушум. Давр харажатлари. Бошқа даромадлар. Бошқа харажатлар	Интервал	Ўртacha арифметик
Энг кичик кўрсат-кични танлаш	Ҳар қандай бўлиши мумкин	Нуқтали	Мухимликни энг энг кичик қиймати
Кўрсаткични дара-жага кўтариш	Баланс валютасининг энг катта кўрсаткичи. Сотишдан тушган соф		2/3 даражага кўтарилилган ва коэффициентга

усули(ирик ғарб компанияларида құлланилади)	түшум.		күпайтирилган күрсаткич
---	--------	--	----------------------------

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Аудитор хатони аниқлаганда, аввало, унинг сифат томонини, кейин унинг миқдорий томонини баҳолаши лозим. Молиявий ҳисоботдаги күрсаткичлар ва унинг иловасидаги баъзи маълумотлар хато бўлиши мумкин. Аммо бундан келиб чиқсан ҳолда молиявий ҳисобот умуман нотўғри деган қарорга келмаслик керак. Хатоликлар қўйидагича бўлиши мумкин:

- ҳисоб-китоблардаги хатоликлар;
- алоҳида курсаткичлардаги хатолар (моддий активларнинг фойдали хизмат муддати, умидсиз дебитор қарзлар).

Аудитор қўйидаги ҳолларда молиявий ҳисоботдаги хатоларни ўтказиб юбориши мумкин:


- агар хатолар жуда кичик бўлса ва молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг қарор чиқаришига таъсир қиласа;
- агарда ўша кичик хатоларни тузатиш учун катта миқдорда харажат талаб қилинса;
- агарда ўша кичик хатоларни туғирлаш учун кетадиган вақт молиявий ҳисоботни нашр қилиш муддатини узайтиrsa.

Текшириш жараёнида аудитор олинган маълумотнинг муҳимлик даражасин текшириш лозим. Бунда хатонинг ҳам сифат томони, ҳам миқдорий жиҳатлари ўрганилиши даркор. Ҳар қандай қоидабузарлик ва хато ўзининг сифат томонига ега, аммо миқдорий томонга ега бўлиши ёки ега бўлмаслиги мумкин. Масалан, нотўғри корреспонденция қўллаш оборотларни камайтириши ёки қўпайтириши мумкин. У ёки бу ҳолатда аниқланган хатони муҳим ёки муҳим эмас, деб эътироф этиш мумкин(1-чизма).

Аудиторлик далилларнинг муҳимлигини аниқлаш

Аниқланган
қоидабузарликлар

Миқдорий хатога Миқдорий хатога эга эга емас




1-чизма. Аудиторлик далилларнинг мухимлигии аниқлаш

Мухим хатоларни тан олиш жараёни миқдорий тавсифга ега бўлмайди ва мураккаб ҳисобланади, қоидага биноан аудиторнинг субъектив қарашига боғлиқ бўлади.

Бошқа томондан олиб қараладиган бўлса, ўша миқдорий хато ҳисобварақлардаги муомалаларнинг характеристига қараб ҳам мухим хато сифатида, ҳам мухим бўлмаган хато сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Аудиторлар томонидан аниқланадиган хатолар таснифи <<Бухгалтерия ҳисботида хатолар аниқланганида аудиторнинг ҳатти-ҳаракати>> номли стандартда келтирилган. Стандартга биноан кўзда тутилган ва кўзда тутилмаган хатолар мухим ёки мухим бўлмаган хато сифатида баҳоланиши мумкин.

Аудиторлик далилларининг мухимлигини баҳолаш




2-чизма. Аудиторлик далилларининг мухимлигини баҳолаш

Бирор-бир хатонинг мухимли даражаси олдинги хатоларга ҳам боғлиқ. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, бир хато иккинчи хатони ҳам келтириб чиқаради.

Юқоридаги тадбирлар корхоналарда инвестицион мулк обьектларидан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳисоби ва назоратини бозор талаблари асосида ташкил

қилишда ўта долзарб ҳисобланади. Аудиторлик стандартлари аудиторлик текширувларининг барча жиҳатларини белгилаб беради. Жумладан, аудиторлик текшируви вақтида далилларни тўплаш, уларни хуоса тузиш вақтида исбот сифатида кўрсатиш жараёнида аудиторлик стандартлари муҳим роль ўйнайди.

.Стандартда аудитнинг ҳар хил босқичларида муҳимлик ва аудиторлик риски кўрсаткичларини ўзгартириш вазиятлари ҳам кўриб чиқилган. Бундай вазиятлар аудиторлик текширувлари натижасида аудиторнинг қўшимча ахборотлар олиши ва аудит жараёнида кутилмаган ҳолатлар натижасида вужудга келиши мумкин. Шунинг учун аудиторлик текширувларини режалаштириш чоғида аудиторга мақбул муҳимлик даражасини, аудит натижаларини баҳолаш учун фойдаланиш кўзда тутилган муҳимлик даражасидан атайлаб пастроқ белгилаш тавсия этилади. Чунки бу тадбир бузиб кўрсатишларнинг аниқланмаслик эҳтимолини камайтиришга имкон беради ва аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган бузиб кўрсатишларнинг оқибатларини баҳолаш чоғида маълум даражадаги хавфсизликни таъминлайди.



Инвестицион мулк аудитини самарали ташкил этишда далиллар йиғишга муҳим эътибор қаратиш лозим. Аудиторлик далиллари текшируvida алоҳида аҳамиятга ега. Зеро, АҚШлик иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, далиллар кейинчалик аудиторларга аудит процедураларини белгилаб олишларига кўмак беради [4. 175].

Далиллар йиғиш аудит процедуралари билан чамбарчас боғлиқ. Хозирги кунда миллий аудиторлик ташкилотларида уларнинг боғлиқлик томонлари текширувнинг сифатли бўлиши учун қўлланилмайди. Далиллар текширувда мавжуд ҳақиқий ахборот ва аудит процедурасини белгилашга хизмат қиласди. Ушбу жараён 3-чизмада кўрсатиб ўтилган.

3-чизмадан кўриниб турибдикি, аудиторлик стандартлари нафақат инвестицион мулк ҳисобининг тўғри юритилгани бўйича далиллар йиғиш, балки, ўша далилларни йиғиш пайтида аудитордан талаб қилинадиган малака ва ахлоқ қоидаларини, текширув пайтида қўлланилиши мумкин бўлган аудиторлик процедураларини (таомилларини), шунингдек ушбу далилларни тўплашда қўлланиладиган усусларни ҳам белгилаб беради.

Инвестицион мулк аудитида моддийлик давражаси ва ички назорат тизимини баҳолаш

Инвестицион мулк аудити бўйича назорат таваккалчилини баҳолаш

Инвестицион мулк аудити бўйича аналитик процедуралар ва тестлар

Инвестицион мулк аудити бўйича аналитик процедураларни ишлаб чикиш

Инвестицион мулкнинг алоҳида унсурлари бўйича тестларни ишлаб чикиш

Аудит процедуралари
Танлаш ҳажми
Танлаш мезонлари

4-чизма. Инвестицион мулк аудити бўйича тестларни ишлаб чикиш.

Халқаро амалиётда маълумки, аудиторлик текширувларини ўтказишда тест усулини қўллаш ижобий самара беради. Тестлаш усулини инвестицион мулк аудитида хам қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, инвестицион мулк аудитида тестлаш жараёни қуйидагича ташкил этилиши лозим (4-чизма).

Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, аудиторлик текшируvida тест тадбирлари текширувнинг бутун қўламини: моддийлик даражасини ва ички назорат тизимини баҳолаш, таваккалчилик даражасини аниқлаш, аудит процедуralарини ва текширувда қўлланиладиган танлаш популяцияси қўламини белгилаш имконини беради.

Умуман олганда, инвестицион мулк аудитида тестлаш усули юқори самара беради. Бизнинг фикримизча, бу нафақат ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолаш, балки аудиторлик текширувларини ўтказиш дастурига тузатиш киритишга ҳам имконият яратади.

ХУЛОСА

!. Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки «Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари»да муҳимлик масаласи икки йўналишда, аниқроғи иккита АХС кесимида келтирилган:

- Аудитни режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида муҳимлик 320-«Аудитни режалаштириш ва амалга оширишда муҳимлик»номли АХС;

-Молиявий ҳисботдаги аниқланган бузиб қўрсатишларнинг муҳимлик даражаларини аниқлаш ва баҳолашда 450 «Аудит ўтказиш жараёнида аниқланган бузиб қўрсатишларни баҳолаш» номли АХС.

450 «Аудит ўтказиш жараёнида аниқланган бузиб қўрсатишларни баҳолаш» номли АХСнинг мақсади: а) аниқланган бузиб қўрсатишларнинг аудитга; б) аниқланган бузиб қўрсатишларнинг(агар улар мавжуд бўлса) молиявий ҳисботга таъсирини баҳолашда муҳимлик мезонини қандай қўллашни тушунтиришдан иборат.

320 АХСда таъкидланишича, миқдор ва сифат омилларининг иккиёқламалиги туфайли муҳимликни аниқлашга ягона, мувофиқлашган миқдор мезонини ўрнатишнинг имкони йўқ. Шунга қарамасдан, бузиб қўрсатишларнинг ҳажми(миқдори)ни ҳам, сифати(тавсифи)ни ҳам ўрганиш зарур.

2.Бузиб қўрсатишларнинг сифат жиҳатини тавсифлайдиган мисол тарикасида ҳисоб сиёсатининг етарли даражада малакали ва сифатли тузилмаганлигини

келтириш мумкин. Бундай хисоб сиёсати асосида тузилган молиявий ҳисбот ахборотдан фойдаланувчиларни чалкашликка олиб келади.

Аудитор нисбатан катта бўлмаган миқдорларнинг бузиб кўрсатилиш эҳтимолига алоҳида эътибор қаратиши тавсия этилади. Бундай бузиб кўрсатишлар йиғилиб, молиявий ҳисботга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Мухимликни нафақат молиявий ҳисбот даражасида, балки алоҳида хўжалик муюмалалари ва очиб берилган ахборотлар даражасида ҳам ўрганиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Робертсон Дж. Аудит. -М.: КРМQ, Аудиторская фирма “Компакт”, 1993. стр. 111
2. Арэнс А., Лоббек Дж. Аудит. -М.: Финансы и статистика, 1995. стр. 143 и 175
3. Гутцайт Е.М., Островский О.М., Ремизов Н.А. Отечественные правила аудита и их использование. -М.: ФБК-ПРЕСС, 1998. стр. 142
4. Халқаро аудит стандартлари. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси- Ахборот матбуот маркази, Тошкент 2012 йил.
5. <http://www.iasc.org/uk> (International Accounting Standards Committee)